

ТЕАТР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ МИЛЛАТ ЕТУКЛИГИНИНГ БЕЛГИСИДИР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7825393>

Собиров Жамшид Толибович

ЎзДСМИ магистранти

Аннотация: қуйида келтирилган мақолада бугунги кунда театрға томошабинлар оқими камлигининг асосий сабаблари ва бунга барҳам беришга доир масалалар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: санъат, театр, репертуар, томошабин, маънавият

Мамлакатда мустақилликнинг илк давридан бошлаб ёшлар тарбияси, миллий ғояни, миллий ва маънавий кадрятларни уларнинг онгига сингдириш масалаларини давлат сиёсати даражасига кўтарилиши баробарида бу жараёнда санъат турларидан бири бўлган театрнинг ўзига хос ўрни бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Бугунга келиб, театрларининг маънавий-мафкуравий структураси ҳам ўзгара бошлади. Театр том маънода миллатнинг маънавий даргоҳига айланди. Машҳур немис мутафаккири В.Гётенинг театр ҳақида шундай сўзлари бор: “Театр ҳақида ғамхўрлик қилиш миллат етуклигининг белгисидир”.³⁵ Ўзига хос афоризмга айланган бу сўзлар бежиз айтилмаган. Бунда миллат маънавиятини, маданий комиллигини санъатга, яъни театр каби эстетик унсурларга муносабатидан билиш мумкин. Демак, томошабинларни маданиятли бўлишга, маънавий жиҳатдан покланишга чорловчи ҳаёт кўзгуси саналмиш театр санъатининг ўрни беқиёс эканлигини тарғибот қилиш, аҳоли онгига сингдириш бугунги куннинг талабидир.

Шундай экан, бу даргоҳнинг фаолияти мутахассислардан катта масъулият талаб қилади. Бу даргоҳга қадамранжида қиладиган томошабин қайсидир маънода қаҳрамонлар тимсолини ўзининг ҳаёти билан таққослайди. Улар образларининг зиддиятли “ҳаёти”ни ўзида яшаб кўради, ролларнинг таъсирига берилиб гоҳо қаҳрамонларга ачинади, гоҳо уларнинг бахтли тақдирига қувонади. Мана шуларнинг ўзи ибратдир. Чунки, бу билан томошабинлар ҳаётнинг маънавий томонларини ўрганадилар, эстетик завқ оладилар.

Шу ўринда томошабин дидини, маданиятини бирламчи бўлиб театр шакллантиради. Қанча меҳнат ва маблағлар сарфланиб сахна асари битказилгач, унга

³⁵ Можейко. М. А. Статъя в “Новейшем философском словаре” Источник. Минск, 1999. Гёте И.В. Примечания и заметки для лучшего понимания западно-восточного дивана // Проблемы востоковедения. -№3. 1960, -с. 191.

томошабинларнинг тушмаслиги ёки кам тушиши ҳоллари бугунги кунда сир эмас. Бунга фақат биргина томошабинларни айбдор қилиб кўрсатиш ҳам тўғри эмас. Чунки, театр асари томошабин дидини эмас, томошабиннинг эстетик диди театр асарини баҳолайди.

Саҳна асарларининг томошабин маънавияти ва маданияти учун нечоғли аҳамиятлилигини ҳамда кўпгина асарлар келгусида ҳам қайта намоёиш этилишини аввало томошабинлар, сўнгра театр репертуари белгилайди. Репертуарни саҳна асаридаги ижодий топилма, эффектлардан фойдаланиш, пардадан пардага ўтиш маҳорати, эстетик қийматни оширувчи барча воситалар, профессионал ёндашув ва асар мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш, актёрлар ижроси бойитиб боради.

Тайёр хулосалар, жўн тафсилотлар бугунги кун кишиларини қизиқтирмайди, шу маънода томошабинни фикрлашга, мушоҳада қилишга, ўзича мулоҳаза юритишга йўналтира оладиган саҳна асарлари ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Чунки маънавий омилларга эътибор берилаётган ҳозирги дамда инсоннинг ички туйғуларини – нафосат ва қабоҳат, эзулик ва ёвузлик, савоб ва гуноҳ каби абадий мавзуларни қайта ўрганишга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Томошабинни театрдан узоқлаштирмаслик, уни театр шайдосига айлантириш учун кишиларнинг маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таъсирли пьесалар сонини кўпайтириш лозим бўлади. Бугунги кунда театрга томошабинларнинг ташрифи сусайиб қолганига сабаблар бисёр. Жуда кўп саҳна асарлари ўз томошабинини тополмаётганлиги мавжуд ҳолатдир. Бунинг асосий сабаби асарларнинг савиясига боғлиқ бўлса, кейинги омиллар театрларнинг замонга мослашиши билан алоқадор муаммолардир.

Бугунги кунда ҳақиқий санъатни тушунадиган томошабинни топиш амри маҳол бўлиб қолди. Бу билан томошабинларни айбламоқчи эмасмиз. Чунки, маиший, олди-қочди асарлар кўйиб, ёппасига томошабинлар савиясини ўтмаслаштиришда театрнинг ўзи ҳам рол ўйнайди. Шу маънода театр ёки томошабинни танқид қилиш билан иш битмайди. Аксинча, театр ва томошабин мувофиқлигини топиш, театрларга томошабинларни яқинлаштириш каби омилларга эътибор қаратиш керак. Бундан ташқари, ҳозирги тезкор коммуникация ва ахборотлаштириш жараёни билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки телевизор орқали йигирмадан ортиқ каналларда ранг-баранг кўрсатувлар, ОАВнинг барча воситаларида бериб борилаётган турли хил ахборотлар ичида театр ўз кўп сонли аудиториясига эга бўлиши ҳам қийин жараён.

Мамлакатимизда барча соҳаларда ислохотлар кечаётган бир пайтда театр соҳасида ҳам янгиланишлар олиб кириш мақсадида замонавий илғор фикрлар майдонга келмоқда. Бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Театр ҳозирги ижтимоий жараённи, замонавий талабларни ҳис қилмаса, у муқаррар маишийлашиб ҳақиқий санъатдан йироқлашади. Айниқса, болаларбоп саҳна асарлари ва уларнинг таҳлилига мос тадқиқотлар ўтказишимиз лозим.

Бу ўринда бугуннинг томошабинларига фақат маиший, олди-қочди асарлар керакми, улар жиддий драма асарларини “ҳазм” қила олмайдими, деган саволлар туғулиши табиий. Бу саволларга жавоб ахтариб Станиславскийнинг бир гапини эслаб кўрайлик. Унинг хулосасига биноан, “томошабин айбдор эмас”.³⁶

Тўғри, лекин театр санъатининг буюк реформатори театрға ўз оёғи билан ташриф буюрувчи театр мухлисларини назарда тутган. Ташкил этилган томошабинлар кўпинча, театрни тушунмайди ва уларнинг дидига асосланиб бўлмайди. Буларни кетидан бориш фақат тижорат, кассага тушумни кўпайтириш мақсадларини кўзлашдир, театрнинг эстетик маънавий вазибаларини унутишдир. Демак, айбни ҳам театрдан, ҳам томошабиндан қидирамиз экан-да?!.

Аксарият ёшлар театр санъатини тушуниш у ёқда турсин, ҳатто театр нима эканлигини, театр биноси қаерда жойлашганини ҳам билишмайди. Албатта бунга қайсидир маънода театрнинг ҳам айби бор. Бугунги кунда театр ўз асарлари рекламасини кучайтириши, шаҳар кўчаларининг асосий марказларига афиша ва эълонлар осиб қўйиши керак. Ёки телевидение каналлари орқали реклама бериб боришлари лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугун дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча худудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир. Театр эса айнан ахборотлашган жамиятнинг бир тармоғи эканлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Театрнинг эса бу борадаги маданий аҳамияти беқиёс эканлигини англамоғимиз лозим. Шу маънода театрнинг ҳозирги даражаси келажакка бориб бизнинг ким бўлганлигимизни ойнадек кўрсатади.

³⁶ Мухторов Э. Режиссёр Баҳодир Йўлдошев // Санъат журнали, 2005, 2 сон, 40 бет.